
Мажбурий ижро бюросининг Фарғона вилояти Данғара туман бўлими МАЪЛУМОТНОМА

Мажбурий ижро бюросининг Фарғона вилояти Данғара туман бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прократураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан тасдиқланган “Энергия ресурслари ва сув таъминоти бўйича мавжуд умидсиз ва асоссиз қарздорликларни ўрганиш тўғрисида”ги қўшма фармойишига асосан Данғара туманида Энергия ресурслари ва сув таъминоти бўйича мавжуд умидсиз ва асоссиз қарздорликларни хатловдан ўтказиш бўйича маъсул ташкилотларининг 27.03.2018 йил кунги 1-сонли қўшма фармойиши тасдиқланиб, ушбу фармойиш ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2018-2019 йиллар давомида қўшма фармойишга асосан хўжалик юритувчи субъектлар ва маиший истеъмолчиларнинг энергия ресурслари ва сув таъминоти бўйича мавжуд умидсиз ва асоссиз қарздорликларни ҳисобдан чиқариш учун “Энергия ресурслари бўйича мавжуд умидсиз ва асоссиз хисобланган қарздорликлар бўйича расмийлаштириладиган далолатномаларга илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар намунаси” да кўрсатилган ҳужжатлар истеъмолчилар кесимида тайёрланиб, электр энергияси бўйича 548 та истеъмолчиларнинг 1 млрд 209 млн 852 минг сўмлик нореал ва 411 та истеъмолчиларнинг 340 млн 626 минг сўмлик умидсиз қарздорликлар шунингдек, табиий газ бўйича 108 та истеъмолчиларнинг 56 млн 978 минг сўмлик нореал қарздорликлар аниқланиб, ПК электрон ҳисоб ва “Биллинггаз” дастурларига киритиш орқали нореал қарздорликлар бартараф қилинган.

МИБ Данғара туман бўлими

мониторинг ва ҳисоб шўъбаси

инспектори

М.М.Азамов

2019-12-24 08:33:55